УДК: 316.4(075)

ИНСОН САЛОҲИЯТИ: ТУЗИЛИШИ ВА ИЖТИМОИЙ МОҲИЯТИ

Х.Н. Холмирзаев

Инсон салоҳияти муаммосини ҳал этиш борасида инсон муаммосининг ўзи мураккаб эканлиги, унга ҳам биологик, ҳам ижтимоий мавжудот сифатида қараб, унинг иқтисодий, сиёсий илмий-интеллектуал, диний-ахлоқий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашув зарур. Инсон салоҳияти фақат жамиятнинг иқтисодий эҳтиёжини қондирувчи куч сифатида ёки бир иқтисодий ишлаб чиқарувчи манба сифатида қаралмаслиги, аксинча, инсон салоҳияти жамият тараққиётининг муҳим омили сифатида намоён бўлиши назарда тутилиши лозим.

Калит сўзлар: *инсон салоҳияти, интеллектуал салоҳият, маънавий салоҳият, модернизация, янгиланиш жараёнлари, жамиятнинг маънавий янгиланиши, ёшлар сиёсати.*

При решении проблемы человеческого потенциала сама проблема человека сложна, необходимо подходить к ней как к биологическому, так и социальному существу, учитывая его экономические, политические, научные, интеллектуальные, религиозные и нравственные особенности. Следует иметь в виду, что человеческий потенциал необходимо рассматривать не только как силу, удовлетворяющую экономические потребности общества или как источник экономического производства, а скорее человеческий потенциал проявляется как важный фактор развития общества.

Ключевые слова: *человеческий потенциал, интеллектуальный потенциал, духовный потенциал, модернизация, процесс обновления, духовное обновление общества, молодежная политика.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг инсон тараққиётига қаратилган фармон ва қарорлари ҳамда ҳукуматимиз томонидан бу борада қабул қилинаётган дастурлар инсонга ва унинг салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган, деб айтиш мумкин. Чунки инсоннинг ҳар қандай онгли фаолияти маълум самара ва натижага эга бўлгани ҳолда жамият тарихини ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб, бундай фаолият жамият аъзоларининг салоҳиятини юзага чиқаради. Шунинг учун ҳам инсон фаолияти жамият прогрессив тараққиётига таъсир этувчи асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Жамиятга алоқадор ҳар қандай масала инсон ва унинг салоҳиятига алоқадор. Инсон ижтимоий тараққиётнинг субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучи. Унинг салоҳият даражаси жамият тараққиётини белгилаб берувчи асосий омилларидан бири ҳисобланади. Иккинчи томондан жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маърифий, илм-фан, таълим, санъат ва бошқа соҳаларининг тараққиёти ва бунинг натижасида юзага келаётган имкониятлар инсон салоҳиятининг ҳам юксалиш даражасига таъсир кўрсатади. Инсон салоҳияти масаласи бугунги кунда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб масала ҳисобланади. Бу ҳолатнинг бир неча сабаблари мавжуд:

1. “Инсон салоҳияти” тушунчаси илмий адабиётларда асосан иқтисодий салоҳият сифатида талқин этилмоқда.

2. Ҳозирги кунда инсон салоҳиятини фалсафий ўрганиб, таҳлил этиш эҳтиёжи юзага келди.

3. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, субъектив омил жамият тараққиётида тобора муҳим роль ўйнаб бораётганлиги инсон салоҳияти-

нинг моҳияти ҳамда тараққий этиб бориш динамикасини ҳам фалсафий ўрганишни талаб этмоқда.

Инсон салоҳияти замонавий илмий-фалсафий муаммоларнинг бирига айланди. Фан ва технологиянинг улкан портлаши инсон салоҳиятини ўрганиш, мазкур муаммога янгича ёндашувлар зарурлигини яна бир карра қайд этмоқда. Ўтган асрнинг деярли 80-йилларигача инсон салоҳияти кам ўрганилган соҳа бўлган. Лекин шунга қарамасдан, бу ижтимоий ҳодиса антропология соҳасида инсонга тегишли бошқа масалаларга боғлиқ тарзда тадқиқ этилган.

Ижтимоий-фалсафий соҳага тегишли бошқа муаммоларга нисбатан инсон, шахс муаммоси ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Чунки тарих, жамият ва инсонга оид барча фанлар инсонни ўрганади. Инсон салоҳияти муаммоси ҳам бундан мустасно эмас.

Инсон салоҳияти муаммосини ўрганишга бағишланган адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда инсон салоҳияти асосан инсоннинг иқтисодий салоҳияти нуқтаи назаридан ўрганилмоқда. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилган бир қатор тадқиқотларни айтиш мумкин. Ўзбек олимлари томонидан инсон салоҳиятини ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, Ш.Г.Акрамова, Б.Ш.Усмонов, М.Қ.Қодиров, Ж.Д.Элтазаровларнинг тадқиқотларида инсон салоҳияти, инсон капитали, инсон тараққиёти масалалари таҳлил этилган [1].

Таниқли файласуф олим Қиёмиддин Назаров инсон салоҳиятига қуйидагича таъриф беради: “Салоҳият – у ёки бу вазифани ижобий ҳал этиш учун субъектнинг фойдаланадиган ички асосларга, куч-қувватга, имкониятга эгалигини англатувчи фалсафий категория; истеъдоднинг бир тури бўлиб, инсоннинг муайян тарзда ўз илҳомини қабул қилишга тайёрлангандан сўнг юз берадиган сифат. Бу тушунча алоҳида инсон, ижтимоий гуруҳ, жамият, давлат ва башариятга нисбатан ишлатилиши мумкин. Инсонга нисбатан қўлланилганда салоҳият унинг муайян фаолиятни бажариш учун ақлий, маънавий ва психофизиологик хусусиятларини қамраб олиши тушунилади. Юксак ақл, истеъдод эгалари салоҳиятли кишилар дейилади” [2]. Кўриниб турибдики, олим “инсон салоҳияти”га фалсафий категория сифатида қарайди. Демак, инсон салоҳияти таркибий қисмини ташкил этувчи компонентларни ҳам фалсафий муаммо сифатида қараш мумкин экан. (Аслида табиат, инсон, жамият тегишли бўлаги ҳар қандай муаммо фалсафий нуқтаи назардан ўрганилиши аниқ).

ХХ аср бошларидан инсон потенциали муаммоси долзарб хусусият касб этди. Муаммони ўрганишнинг илмий-назарий асослари дастлаб У.Джемс, Я.Марено, А.Маслоу каби Ғарб олимларининг асарларида акс этган. “Потенциал” тушунчаси аслида маълум бир вазифани амалга оширишга ва мақсадга эришишга қаратилган манбалар, имкониятлар, захираларни ифода этади. Бу тушунча кенг маънода ва тор маънода қўлланилади. Бугунги кунда “потенциал” тушунчаси ижтимоий-фалсафий моҳият касб эта бошлади: “...потенциалнинг моҳиятини ўз-ўзини сақлаш ва ўзини ривожлантиришга, шунингдек, ташқи оламга таъсир этиш ва у билан ўзаро алоқада бўлишга қаратилган бирор қобилиятга, ресурсга эга бўлиш сифатида таърифлаш мумкин” [3].

Маслоу концепциясида инсоннинг юқорида санаб ўтилган эҳтиёжлари унинг потенциалини юзага келтириши, шакллантириши ва бу жараённинг юқори босқичи сифатида ўзини реализация қила олиш даражасига олиб келишини баён этади. Инсон эҳтиёжларининг босқичма-босқич акс этувчи жараёни инсон потенциалини юзага чиқариш учун қулай имкониятларни яратади. Улар асосида инсон потенциалини тўла реализация қилади.

АҚШ файласуфи ва психологи Уильям Джеймс “шахснинг тарихий вазиятни ҳис этиши (қабул қилиши)” тўғрисида ёзади. Унинг фикрича, “тарихий жараён тараққиёти ва тарихда юз берадиган турли ҳодисалар шахс-

нинг намуна бўлиши, ўрнак кўрсата олиши ҳамда фаоллиги асосида амалга ошади. Бу жараёнда инсон потенциали шаклланади ва тарихий жараённинг маълум вазиятларида юзага чиқади. Инсоннинг жамиятдаги ўрнини унинг салоҳияти белгилайди. Инсон салоҳиятининг шаклланиши объектив ва субъектив жараён бўлиб, у инсон ва жамиятнинг тарихий ижтимоий фаолиятидан келиб чиқади" [3]. Ижтимоий фаолият инсон салоҳияти шаклланишининг асоси. У тарихий хусусиятга эга. "Ўтмишда тўпланган инсон салоҳияти унинг генетик кодида акс этибгина қолмасдан, у моддийлашади, маданият, сиёсат, иқтисод ва илм-фанда ифода этади. Иккинчидан, ҳозирги кунни ифодалайди. Бундай сифатда инсон салоҳияти инсонда мавжуд кучни ва уни қўллашни долзарблаштиради. Учинчидан, инсон потенциали келажакка йўналган бўлиб, унинг ҳозирги кунда тўпланиши ва реализация қилиниши жараёнининг характери ва хусусиятлари унинг келажак имкониятларини белгилаб беради" [4].

Давр руҳи ва хусусияти инсон салоҳиятининг юзага чиқиши учун турлича таъсир этиши мумкин. Бу жараёнда жамиятда демократик жараёнлар тараққиёти, инсон ҳуқуқларига амал қилиш масалалари ҳам катта аҳамият касб этади.

Аслида тарихий нуқтаи назардан олиб қаралганда, инсон салоҳияти барча даврларда ҳам жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлган. Давр хусусиятидан келиб чиқиб, инсон салоҳиятини ривожлантириш ва уни юзага чиқариш учун шароитлар турлича бўлган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари инсон салоҳиятининг ривожланиши ва инсон капиталининг ўсиши учун улкан имкониятлар яратади. Модернизация жараёнининг натижалари пировардида субъектив омилнинг салоҳияти, капитали ва унинг асосида ташкил топадиган ижтимоий фаолиятига боғлиқ.

Жамият салоҳиятини унда яшаб фаолият олиб бораётган субъектлар салоҳиятининг мажмуаси ташкил этади. Лекин шундай бўлса-да, жамият салоҳияти унинг аъзолари салоҳиятининг шунчаки йиғиндисидан иборат эмас. "Инсон потенциали – алоҳида шахс, жамият ва давлатнинг маълум вазифаларни ҳал этиш ва мақсадларга етиш соҳасида инсон ресурсларидан фойдаланиш борасидаги имкониятларининг мажмуаси" [5. Б. 3] сифатида қаралиши мумкин экан.

Шуни таъкидлаш зарурки, "инсон салоҳияти" ва "шахс салоҳияти" тушунчалари фарқ қилади. "Инсон салоҳияти" тушунчаси кўпроқ жамиятга ва жамоага нисбатан қўлланилади. "Шахс салоҳияти" тушунчаси инсонни индивидуал қобилияти, руҳий-физиологик хусусиятлари нуқтаи назаридан тавсифлайди. Албатта, жамият салоҳияти тарихий тараққиётнинг барча босқичларида ҳам шахс салоҳиятига асосланади. Шахс тараққиёти жамият салоҳиятининг ҳам тараққиётига хизмат қилади. Инсон ўз ҳаёти давомида доим жамият билан алоқада бўлгани сабабли ижтимоий муносабатлар таъсирида бўлади ва ўзи ҳам фаолияти ва салоҳияти асосида жамият ва ижтимоий муҳитга таъсир этади. Бу инсоннинг жамият билан детерминистик ўзаро алоқада эканлигини билдиради.

Инсон салоҳиятини ўрганиш жараёнида унинг эҳтиёжлари, қобилияти ва салоҳиятининг ўзаро мос келиши масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки эҳтиёж ҳам, салоҳият ҳам инсоннинг фаолиятини шаклланишига ва ривожланишига таъсир кўрсатади. Инсон фаолияти кенгайиб боргани сари унинг захирадаги салоҳияти ва яширин қобилияти, онг ости имкониятлари ҳам ишга тушади ва янада ривожланади.

Инсон салоҳиятининг юзага чиқишида, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ижтимоий шарт-шароитлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Инсон салоҳиятини юзага чиқариш учун жамиятда етарли шароит бўлмаса, инсон капиталининг ортиб бориши масаласига жамият етарли эътибор қаратмаса, бундай жамият тараққиётдан орқада қолиши аниқ.

Инсон тараққиёти ўз-ўзидан унинг салоҳиятининг ҳам ривожланишига таъсир этади. Инсон шунчаки ривожланиш воситаси сифа-

тида эмас, ўз салоҳияти асосида креатив яратувчи ва барча соҳаларда ижод субъекти сифатида қаралиши зарур. Бугунги кун нуқтаи назаридан инсон инновация тараққиётининг субъекти ва асосчиси контекстида ўрганилиши лозим.

Жамият барқарор тараққиётининг таъминланиши келажак авлодлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг мунтазам ўсиб боришини талаб этади. Жамият тараққиётига асосан инсоннинг манфаатлари ва эҳтиёжлари мунтазам ортиб боради. Эҳтиёжларнинг қондирилиши янги эҳтиёжларнинг юзага келишига олиб келади. Инсон эҳтиёжи доимий ортиб бориш хусусиятига эга. Бу ҳолат инсон капиталини ҳам тобора ортиб бориб, унинг эҳтиёжларини ҳам вақтида қондирилишини талаб этади. Ҳозирги замон тараққиёт талаблари, давлатлар ўртасидаги рақобат, глобаллашув чақириқлари, мамлакатларнинг рақобатбардош бўла олиши, инновацион жамиятнинг шаклланиши мавжуд инсон капиталини аниқлаш ва тўғри тақсимлаш, ундан тўғри фойдаланиш, инсон капиталининг тинмай ортиб боришини ва унга янги инвестициялар киритилишини таъминлаб боришни талаб этади.

Ўзбекистонда барча соҳаларда бўлаётган модернизация жараёнлари, инновациялар тараққиёти ва бу борада бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жамият аъзоларининг салоҳиятини ошириши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Барқарорлик, ижтимоий тартибни жамиятда таъминлаб туришга инсон салоҳияти катта таъсир кўрсатади. Авлодлар ўртасидаги боғлиқлик ва қадриятлар яшовчанлиги инсон салоҳиятининг ҳам сақланиб қолишига таъсир этади.

Т.В.Калинина инсон салоҳиятини ўрганиш учта жараён: инсон салоҳиятининг шаклланиши, реализацияси ва унинг бошқарувини таҳлил этиш орқали амалга оширилади, деб ёзади ва унинг кўп даражали эканлигини таъкидлайди:

- биринчи даражада инсон салоҳияти субъектга нисбатан: ташқи ва ички, генетик хусусияти бўйича;

- иккинчи даражада табиий ва сунъий: экологик, иқтисодий, биологик ва маънавий;

- учинчи даражада биологик потенциал субстракт ва функцияга, маънавий салоҳият эҳтиёжлар ва қобилиятга бўлинади. Салоҳиятнинг асосий турларига иқтисодий, экологик, биологик ва маънавий турлари киради [6. Б. 11].

Инсон салоҳиятининг хусусияти давр руҳидан келиб чиқади. Жамият тараққий этиб боргани сари инсон салоҳияти ҳам албатта ривожланиб боради.

Ўз навбатида инсоннинг ривожланиши унинг потенциалига алоқадор. Шундай қилиб, субъектив омил ролининг ортиб боришини унинг потенциали белгилаб беради.

Аслида инсон тўғрисида гапирилганда, ўзўзидан унинг маълум салоҳиятлилиги назарда тутилади. Ҳар қандай инсон маълум салоҳиятга эга бўлиб, салоҳият унинг инсонлик моҳиятини билдиради. Инсон моҳияти эса ўз навбатида унинг бирор фаолиятни амалга оширишга имкон берадиган қобилиятини англатади. Албатта, инсон фақат жамиятда ижтимоий муҳитда шаклланганидек, унинг потенциалининг шаклланиш жараёни ҳам жамиятда амалга ошади ва ижтимоий муҳитда реализация бўлади. Россиялик олима Т.В.Калинина бу жараён ўз навбатида ижтимоий фаолият, инсоннинг ижтимоий моҳияти, унинг эҳтиёжлари, қобилияти, ижтимоий имкониятлари каби масалаларга алоқадор деб таъкидлайди. “Инсон потенциалини шакллантириш механизми ва инсон потенциалини реализация қилиш масаласини ўрганиш фаолият назарияси, инсоннинг ижтимоийлашиб бориши, эҳтиёжлар ва қобилият назарияларига мурожаат қилишни талаб этади” [6. Б. 11]. Албатта, инсоннинг ҳар қандай потенциали унинг маълум мақсадга ва эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган фаолияти орқали реализация қилинади. Бу нуқтаи назардан инсон потенциали масаласига праксеологик ёндашув та-

лаб этилади. Инсон потенциалининг юзага чиқиш даражаси, реализация қилинишининг хусусиятлари ва ўзгарувчан жиҳатлари давр руҳидан келиб чиқади.

“Потенциал” тушунчасига турлича таърифлар ва ёндашувлар мавжуд бўлса-да, уларда асосан потенциални маълум фаолиятни ёки вазифани бажаришда инсон мавжуд имкониятларидан фойдаланиш таъкидланади. Мазкур имкониятларга куч, омил, захира, манба кабилар киритилади [7].

С.И.Ожегов ва Н.Ю.Шведова потенциални “...маълум мақсадга эришиш учун сарф қилиш ва фойдаланиш мумкин бўлган мавжуд кучлар, захиралар, манбалар” [8] сифатида тасаввур этадилар**.** К.М.Миско потенциални ўрганилаётган объектнинг ички, яширин имкониятларидан самарали фойдаланишнинг англаш чегараси сифатида тушуниб, мазкур имкониятларни миқдорий баҳолаш ва пировардида амалий фаолиятнинг идеал шароитида реализация қилиш мумкин, деб ҳисоблайди. Умуман олиб қараганда, потенциалнинг кенг тарқалган таърифи қуйидагича: “...маълум бир вазифани бажаришда ёки мақсадга эришишда ҳаракатга келувчи имкониятлар, кучлар ва захиралар манбаи, алоҳида шахснинг, жамиятнинг, давлатнинг аниқ бир соҳадаги имконияти” [9].

Т.Г.Храмцова потенциални ўзига хос таърифлайди: “Потенциал – бу ресурслар миқдорига эмас, балки тизимнинг аниқ йўналишда ривожланиш имкониятидир” [10. Б. 74]. Шундай қилиб, В.П.Бабинцев ва М.П.Куркинанинг фикрича, ўрганилаётган муаммога бағишланган илмий адабиётларда “потенциал” тушунчаси кўп маъноли бўлиб, у ўта баҳслилиги ва унинг маъноси ўрганилаётган илмий соҳага алоқадорлигига боғлиқ. Бу ҳолат потенциални ўрганиш жараёнида олдиндан унинг ноаниқлиги ва нотизимлиги ҳамда бу борада назарий таҳлилнинг етишмаслигини белгилаб беради [8. Б. 127].

Инсон салоҳияти муаммоси билан шуғулланадиган кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрича, салоҳият инсонда туғма мавжуд бўлади ва у инсон тараққиёти билан биргаликда ортиб боради. Лекин инсонлар ўзининг мавжуд салоҳиятини англаб етмаган ҳолда, унинг маълум қисмидангина фойдаланадилар. Кўпчилик ўзида мавжуд салоҳиятни билмаслиги ва англаб етмаслиги ҳам мумкин. “Бугунги кунда кўпчилик олимлар инсон салоҳиятида учта муҳим компонентни: инсон ва этник бирикмаларнинг эҳтиёжлари, индивидуал ва гуруҳ қобилияти, индивид ва этник бирикмаларнинг фаол хатти-ҳаракатларга тайёрлиги (ахлоқий кўникмалар, мойиллик)дан иборат деб ҳисоблайдилар. Тўғри, тадқиқотчилар юқорида санаб ўтилган инсон салоҳияти компонентлари масаласида битта фикрга келмаганлар. Айрим тадқиқотчилар инсон салоҳиятини уларнинг эҳтиёжлари ва қобилияти ташкил этади, деб ҳисоблайди, бошқалар – инсоннинг салоҳияти уларнинг қобилияти ва тайёрлигидан иборат, деб ҳисоблайди. Лекин кўпинча айнан қандай эҳтиёжлар, қобилият ва тайёргарлик тўғрисида сўз бораётганини аниқлаштирмайдилар. Бу масалани аниқлаштирмай туриб, инсон салоҳиятини таҳлил этиш умумий характер касб этади” [11].

Демак, бу жараёнда инсон фаолияти ва шу билан бирга фаолиятигина эмас, унинг фаоллиги муҳим роль ўйнайди.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш зарурки, айрим тадқиқотчилар “инсон потенциали” ва “инсон капитали” тушунчаларини фарқи йўқ, деб ҳисоблайдилар. Инсон потен-циалини аслида фақат унга тегишли бўлган хусусиятлар ташкил этади. Яшаш учун зарур бўлган моддий бойликлар ва бошқа ресурслар инсон салоҳиятини юзага чиқариш ва уни ривожлантириш учун шароит ва имконият яратувчи компонентлар ҳисобланади. Инсон салоҳияти инсонга тегишли бўлган хусусиятларни, улардан ажралмас ички моҳиятини белгиловчи жиҳатларни ўз ичига олади. Сув ҳам, ҳаво ҳам, яшаш муҳити ҳам, моддий ва маънавий бойликлар ҳам, молиявий ресурслар ҳам инсон салоҳиятига кирмайди, уларнинг барчаси са-

лоҳиятни шакллантирувчи, ривожлантирувчи, реализация қилдирувчи ва фойдаланувчи шароитлар ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, инсон салоҳияти – инсоннинг ички томони, инсондан ва турли ижтимоий бирикмалардан ташқаридагилар эмас.

Инсон потенциали ташқи шароит, табиий бойликлар ва бошқа табиий ва ижтимоий имкониятлардан ташкил топмаган. Инсон потенциали – унинг ички хусусиятлари, ички шахсий манбалари, кўникмалари, қобилияти, таланти, интеллектуал-ақлий имкониятлари, креативлиги, фаоллиги кабилар билан белгиланади.

Жамият потенциали ҳақида гапирилганда албатта унинг иқтисодий, маданий-маънавий, ҳарбий, молиявий, илмий, таълим, экологик каби потенциални санаб ўтиш мумкин.

Тадқиқотчи Т.Г. Храмцова адабиётларда инсон салоҳиятига маданият, таълим тизими, турли ижтимоий ташкилотлар, инсон фаолиятининг турлича моддий ва маънавий маҳсулотларини ҳам тегишли, деб ҳисоблаши нотўғри эканлигини айтиб, жамиятнинг турли салоҳияти ўртасида аниқ чегара қўйилиши зарурлигини ва жамиятнинг турли салоҳиятини ажратиб кўрсатиш зарурлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, “инсон салоҳияти жамиятда мавжуд кўплаб салоҳиятдан бири бўлиб, унинг иқтисодий, молиявий, ҳарбий, мудофаа ва бошқа шаклларини айтиш мумкин. Инсон ва жамият салоҳиятини тўғри англаш ва тушунтириш учун юқорида қайд этилган тушунчалар камлик қилади” [10. Б. 78].

Инсон салоҳияти бир томондан биологик, И.Кант ибораси билан айтганда, априори – туғма, иккинчи томондан жамият билан алоқадорлик асосида юзага келган ижтимоий хусусиятларидан иборат. Мазкур хусусиятларнинг намоён бўлиши, юзага чиқиши жамиятда мавжуд эркинлик ва демократия даражасига боғлиқ. Индивидуаллик, ўзига хослик шахсда қанчалик кучли бўлса, унинг потенциали ҳам кучли бўлади. Бундай ўзига хосликнинг намоён бўлиши, шахснинг бошқаларга ўхшамаган тарзда кучли потенциалга эга бўлиши, бошқа инсонларни ҳам ҳаракатга чорлаб, фаолликка чақиришига таъсир этади.

Инсон потенциали унга мос равишда эркинлик, бошқа инсонлар билан ўзаро алоқадорликда, янги эҳтиёжларнинг юзага келиши асосида юзага чиқади. Инсон потенциалининг тараққиёти давлатни ёки мамлакатни қандай кучлар позитив ёки реакцион кучлар бошқарувига, уларнинг манфаатлари ва стратегик мақсадларига ҳам боғлиқ бўлади.

Бу жараён билан боғлиқ равишда яна бир муаммо, яъни инсоннинг мавжуд потенциалини сақлаб қолиш, ривожлантириш, эҳтиёжларни қондириш учун реализация қила олиш муаммоси юзага келади. Бу муаммонинг ўз вақтида ҳал этилиши эса инсон фаолиятининг доимий амалга ошиб бориши, фаолиятнинг креативлик асосига қурилганлиги ҳамда ўзига ўхшаш инсонлар билан ўзаро боғлиқликда амалга оширилишини талаб этади. Инсон ўзини ва потенциалини мунтазам равишда сақлаб қолиши ва уни бошқа инсонлар билан ўзаро муносабат орқали кўпайтириб ва ривожлантириб бориши, ўзаро ижтимоий муносабатларни кенгайтириб бориши объектив зарурият ҳисобланади. Демак, инсон индивидуаллиги, унинг моҳияти ва потенциалини юзага чиқаришдан маҳрум бўлиш унинг потенциалини нотўғри томонга кетиб, агрессив хусусият касб этиб боришига ҳам сабаб бўлади. Шунга кўра жамиятда инсон салоҳиятини, ёшлар салоҳиятини тўғри реализация қилиш масаласи ҳам ижтимоий муаммо сифатида юзага чиқмоқда.

Инсон потенциални реализация қилиш учун шароит яратилиши, уни тўғри йўналтирилиши бу жараённинг натижадорлигига ҳам боғлиқ бўлиб, инсон хатти-ҳаракатлари ва фаолиятининг натижасини кўриши ва уни қўллай олиши муҳим аҳамиятга эга. Инсон потенциалини реализация қилиши даражаси унинг амалга оширган фаолиятининг самарадорлиги ва тарқалган макони билан аниқланади.

Инсон потенциалини татбиқ этиш борасида иқтисодий, ижтимоий-маданий, тарихий, этник, географик, ментал каби ёндашувлар-

га асосланиш мумкин. Лекин бундай ёндашувларнинг хусусиятларини ўрганиб, ҳозирги кунда масалага фалсафий ёндашув ҳам муҳим аҳамият касб этиб бораётгани аниқ. Бу муаммони ҳал қилишда россиялик тадқиқотчи Т.В.Калининанинг ёндашуви ўзига хос. Унинг фикрича, жамият тараққиётининг ички омилларини ривожлантириш унинг икки хил потенциалига боғлиқ: “Жамият (минтақа) тараққиётининг ички омиллари ҳақида гапирилганда, асосан икки хил потенциал кўрсатилади: жамиятнинг (минтақа) моддий потенциали ва инсон потенциали назарда тутилади. Бу ерда диалектик алоқадорликни кўриш мумкин: моддий потенциал (техник, инфраструктура) инсонлар томонидан яратилади ва у ўз навбатида инсон потенциалининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, жамият тараққиётининг ички омиллари ҳақида сўз юритилганда, биз ижтимоий ҳаётнинг субъекти ҳисобланган инсонни таҳлил этиш муаммосига дуч келамиз. Инсон потенциалининг марказий компоненти унинг маънавий тараққиёт потенциали ҳисобланади (экологик, иқтисодий ва биологик потенциали билан бир қаторда). Бу потенциал инсоннинг бошқа потенциаллари билан узвий боғланган бўлиб, бу ҳодисани ўрганишда комплекс ёндашув талаб этилади. Айнан шу сабабли ҳам умуман олганда, инсон потенциали ижтимоий ҳаётнинг маълум турини ташкиллаштиришда баҳоловчи ва башорат қилувчи хусусиятларидан бири вазифасини ўтайди” [5. Б. 18].

Демак, инсон салоҳиятига инсоннинг реализация қилинмаган бошқа капиталини ҳам киритиш мумкин экан, булар – иқтисодий, интеллектуал, мафкуравий, ахлоқий-маънавий имкониятлар. Жамият ва инсон эҳтиёжларидан келиб чиқиб, инсон салоҳияти захирадаги капиталини ишга солади ва бу асосда давр талабларига жавоб беради. Инсоннинг жамиятда фаоллиги, фаолияти салоҳият захирасининг тобора кенгайиб боришига хизмат қилади. Бундан келиб чиқадики, инсон потенциали муаммоси билан боғлиқ равишда реализация қилинган ва реализация қилинмаган потенциал масаласи ҳам юзага келади.

Адабиётлар:

1. *Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д.* Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли. – Самарқанд: СамДУ, 2015. – 83 б.

2. *Назаров Қ.* Жаҳон фалсафаси қомуси. 2 жилдли. 2-жилд. О-Ҳ. – Тошкент: Маънавият, 2019. – 854 б.

3. *Косырев В.Н.* Методология, состояние и перспективы исследования проблемы личностного потенциала. // Социально - экономические явления и процессы. 2011. № 5-6 (027-028). – С. 356–361. [Электронный ресурс]. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/metodologiya-sostoyanie-i-perspektivy-issledovaniya-problemy-lichnostnogo-potentsiala/viewer (Мурожаат этилган сана: 26.08.2021.)

4. *Катайцева Е.А*. Сущность понятия «человеческий потенциал» // Вестник Российской академии государственной службы при Президенте Российской Федерации: электронное научное издание; № Гос. Регистрации 0420700043, – Москва: РАГС, 2009. – № 6. - регистрационный номер статьи 0420900043/0080.-1,1 п.л.

5. *Колин К.К.* Человеческий потенциал и инновационная экономика.// Вестник Российской Академии естественных наук, 2003. – № 4. – С. 1–7.

6. *Калинина Т.В.* Функционально-типологический анализ человеческого потенциала: Дисс... на соискание степени кандидата философских наук. – Нижний Новгород, 2007. – 188 с.

7. Википедия – Эркин энциклопедия веб саҳифаси. [Интернет манба]. URL: https://ru.wikipedia. org/wiki/%D0%A7%D0%B5%D0%BB%D0%BE%-D0%B2%D0%B5%D1%87%D0%B5%D1%81%D0%BA%D0% B8%D0%B9_%D0%BF%D0%BE%D1%82%D0%B5%D0%BD%D1%86%D0%B8%D0%B0%D0%BB (Мурожаат этилган сана: 16.08.2021.)

8. *Бабинцев В.П., Куркина М.П.*Человеческий потенциал как научная категория. // Научные ведомости Белгородского государственного университета. Серия: Философия. Социология. Право. 2012. 8 (127). Выпуск 20. – С. 223–229.

9. *Батова Т.Н., Крылова В.А.* Маркетинговый потенциал предприятия. – Москва: Издательский дом Академии Естествознания, 2016. – 234 с. [Электронный ресурс]. URL: https://monographies.ru/en/book/section?id=11610 (Мурожаат этилган сана: 16.08.2021.)

10. *Храмцова Т.Г.* Методология исследования социально-экономического потенциала потребительской кооперации: Дисс… д-ра доктор экономических наук. – Новосибирск, 2002. – 397 с.

11. *Лапшин В.А.* Структурные компоненты человеческого потенциала // Научный потенциал: работы молодых ученых, 2013. – № 1. Pp. 259–263 [Электронный ресурс]. URL: www.zpu-journal.ru/zpu/contents/2013/1/Lapshin Human-Potential/46_2013_1.pdf (Мурожаат этилган сана: 22.08.2021.)

HUMAN POWER: STRUCTURE AND SOCIAL SIGNIFICANCE

H.N. Holmirzaev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 1 (61). 24-32.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: human potential, intellectual and spiritual potential, modernization, renewal processes, spiritual renewal of society, youth policy.

It can be said that the Decrees and Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan on human development and the programs adopted by our government in this regard are aimed at the development of man and his potential. Because man and his activities are history, the driving force of society, the level of human potential is one of the main factors determining the pace of development of any society.

Any issue related to society is related to man and his potential. Man is the subject and driving force of social development. Its level of potential is one of the main factors determining the development of a society. On the other hand, the development of economic, political, legal, cultural and educational, scientific, artistic and other spheres of the society and the resulting opportunities also affect the level of growth of human potential. The fact that the study of human potential has become a topical issue is related to a number of issues:

- The growing role of the human factor in the development of society;
- The need for a socio-philosophical analysis of the concept of "human potential";
- The need to study the dynamics of growth, change and development of human potential;
- The need for scientific and philosophical analysis of the forms, structure and essence of human potential, etc.

An analysis of the literature devoted to the study of the problem of human potential shows that today human potential is being studied mainly in terms of human economic potential. In this regard, a number of studies conducted in Uzbekistan.

Abraham Maslow, a U.S. psychologist and founder of humanistic psychology, explores human potential based on a psychological approach. He created the concept of the “high level of emotion”. According to him, human potential is formed on the basis of the following needs:

- physiological needs (hunger, thirst, etc.);
- need for security (feeling safe, free from fear);
- The need for belonging and love (a person's belonging to society, his acceptance by others, love);
- the need for respect (competence, success, public recognition, recognition);
- need to know (know, do, understand, research);
- aesthetic needs;

- self-realization.

Maslow's concept states that the needs listed above enable a person to generate, shape, and realize his or her potential as a higher stage of the process. The step-by-step process of reflecting human needs creates favorable conditions for the realization of human potential. Based on them, it fully realizes human potential.

The American philosopher and psychologist William James writes that "a person feels (accepts) a historical situation." According to him, the development of the historical process and the various events that take place in history take place on the basis of a person's example, ability to set an example and be active. In this process, human potential is formed and emerges in certain situations of the historical process.

References:

1. Usmonov, B.Sh. (et.al.) (2015). *Inson kapitalining shakllanishida ta'lim va ilm-fanning roli* [The role of education and science in the formation of human capital]. Samarqand: SamDU.

2. Nazarov, Q. (2019). *Jahon falsafasi qomusi*. O-H. [Encyclopedia of World Philosophy. O-H]. In 5 volumes. 2-volumes. Tashkent: Ma'naviyat.

3. Kosirev, V. N.(2011). Metodologiya, sostoyaniye i perspektivi issledovaniya problemi lichnostnogo potensiala [Methodology, state and prospects of research into the problem of personal potential]. *Sotsialno - ekonomicheskiye yavleniya i protsess*i. No 5-6 (027-028). Pp. 356-361. [Online]. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/metodologiya-sostoyanie-i-perspektivy-issledovaniya-problemy-lichnostnogo-potentsiala/viewer (Date of access: 26.08.2021)

4. Katajceva, E.A (2009). Sushchnost' ponyatiya «chelovecheskij potencial» [The essence of the concept of 'human potential']. *Vestnik Rossijskoj akademii gosudarstvennoj sluzhby pri Prezidente Rossijskoj Federacii: elektronnoe nauchnoe izdanie*. No Gos. Registracii 0420700043. Moscow: RAGS. No 6. - registracionnyj nomer stat'i 0420900043/0080.-1,1 p.l.

5. Kolin, K.K. (2003). Chelovecheskij potencial i innovacionnaya ekonomika [Human potential and innovative economy]. *Vestnik Rossijskoj Akademii estestvennyh nauk*. No 4. Pp. 1-7.

6. Kalinina, T.V. (2007). Funkcional'no-tipologicheskij analiz chelovecheskogo potenciala [Functional-typological analysis of human potential]. The Dissertation for Candidate of Philosophy Sciences. Nizhnij Novgorod.

7. Wikipedia is a free encyclopedia website. [Online]. URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0% A7%D0%B5%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%B5%D1%87%D0%B5%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%B9_%D0%BF%D0%BE%D1%82%D0%B5%D0%BD%D1%86%D0%B8%D0%B0%D0%BB (Date of access: 16.08.2021.)

8. Babincev, V.P., Kurkina, M.P. (2012). Chlovecheskij potencial kak nauchnaya kategoriya [Human potential as a scientific category]. *Nauchnye vedomosti Seriya Filosofiya. Sociologiya. Pravo.* No 8 (127). Pp. 223-229. [Online]. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/chelovecheskiy-potentsial-kak-nauchnaya-kategoriya/viewer (Date of access: 19.11.2021.)

9. Batova, T.N., Krylova, V.A. (2016) *Marketingovyj potencial predpriyatiya* [Marketing potential enterprise]. Moscow: Izdatel'skij dom Akademii Estestvoznaniya. [Online]. URL: https://monographies.ru/en/book/section?id=11610. (Date of access: 16.08.2021.)

10. Hramcova, T.G. (2002) Metodologiya issledovaniya social'no-ekonomicheskogo potenciala potrebitel'skoj kooperacii [Methodology for the study of the socio-economic potential of consumer cooperation]. The dissertation for Doctor of economic Sciences. Novosibirsk.

11. Lapshin, V.A. (2013). Strukturnye komponenty chelovecheskogo potenciala [Structural components of human potential]. *Nauchnyj potencial: raboty molodyh uchenyh.* No 1. Pp. 259-263. [Online]. URL: https://www.zpu-journal.ru/zpu/contents/2013/1/Lapshin_Human-Potential/46_2013_1.pdf (Date of access: 22.08.2021)

Муаллиф ҳақида маълумот:

ХОЛМИРЗАЕВ Хуршид Накибиллаевич – Андижон давлат университети Ижтимоий фалсафа йўналиши таянч докторанти. E-mail: sokin3548@umail.uz